

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 2 (87)
2020

ISSN 2101-0514
WWW.TM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№2 (87), 2020

	ТАЪЛИМНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС ТАРКИБИ / ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ОБРАЗОВАНИЯ
3	Суропов Б.М. Дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб инновацион фаолиятни тижоратлаштириш
	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ
9	Ашуров Б.Т. Модулли-компетентли ёндашув асосида касбий компетенцияларни шакллантириш
16	Каримов И.Н. Таълим жараёнида талабаларнинг интеллектуал компетентлигини ривожлантириш
	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
22	Хушвақтова Х.С. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитиш усуллари
	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
28	Кошанова Н.М., Ходжамкулов У.Н. Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари
34	Мирзаев М.Ж. Ёшлар маънавий маданиятини оширишда китобхонликнинг ўрни
	ОИЛА ВА МАКТАБ / СЕМЬЯ И ШКОЛА
42	Шоназаров Ж.У. Ўсмирлик даврига хос тарбияси "қийин" болалар ва улар билан индивидуал муносабатда бўлиш психологияси
	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
49	Кулатова С.Ю. Вояга етмаган болаларни психологик-ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва усуллари
	ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПСИХОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА / ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ
57	Зарипов Ф.М. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига оид моделнинг амалиётга татбиқ қилиниши
	ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ / ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
66	Якубжанова Д.Б. Эшитишида нуқсонли бўлган бошланғич синф ўқувчиларига математикани ўқитишда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш масалалари
75	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

- Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

- постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);
- входит в базу данных **РИНЦ** – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617
- входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Кошанова Нилуфар Максудовна,
Чирчиқ давлат педагогика институти "Ижтимоий
фанлар" кафедраси ўқитувчиси
Ходжамқулов Умид Негматович,
Чирчиқ давлат педагогика институти "Ўзбек тили
ва адабиёти" кафедраси доценти, филология
фанлари номзоди

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СИНФ МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

УДК: 37.013(09)

КОШАНОВА Н.М., ХОДЖАМҚУЛОВ У.Н. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СИНФ МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ушбу мақолада таълим ва тарбия сифатини оширишда синф мураббийларининг фаолияти тадқиқ қилинган. Педагогик таълим кластери воситасида синф мураббийи фаолиятига инновацион ёндашиш, уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳа натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек, синф мураббийлари учун таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: интеграциялашув, инновация, педагогик таълим инновацион кластери, ижтимоий ҳамкорлик, электрон журнал, инноватор мураббий.

КОШАНОВА Н.М., ХОДЖАМҚУЛОВ У.Н. ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КЛАССНЫХ РУКОВОДИТЕЛЕЙ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ

В данной статье исследуется деятельность классных руководителей по повышению качества образования и профессиональной подготовки. Проанализированы результаты реализации проекта по инновационному подходу к деятельности классного руководителя, её совершенствованию на основе педагогического образовательного кластера. Вносятся также предложения и рекомендации для классных руководителей.

Ключевые слова и понятия: интеграция, инновации, инновационный кластер педагогического образования, социальное сотрудничество, электронный журнал, руководитель-новатор.

KOSHANOVA N.M., KHODJAMKULOV U.N. IMPROVING THE EFFICIENCY OF THE ACTIVITIES OF STUDENT LEADERS IN SECONDARY SCHOOLS

There is examined in the article activities of classroom tutor from the point of the education and training quality of improvement. The results of the project implementation on an innovative approach to the activities of the tutor, its improvement through the pedagogical educational cluster are analyzed. There are also suggestions and recommendations for tutors.

Key words and concepts: integration, innovations, innovative cluster of pedagogical education, social cooperation, electronic magazine, head-innovator.

Кириш.

Бугунги кунда таълим давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Зеро, жамият тараққиёти ва барча соҳаларнинг ривожини таълим соҳасининг ривожини билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда миллий таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимидаги камчиликларни бартараф қилиш, юқори салоҳиятли, маънавиятли, замон билан ҳамнафас бўлган ёшларни тарбиялаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия сифатини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларда китобхонликка меҳр уйғотиш, ўқитувчи шахсига нисбатан ҳурмат туйғусини янада кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита таълим соҳасига дахлдор кўплаб фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Бу ҳақида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлаган: "Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган ҳужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон бахшида этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизга суянамиз. Бугунги кунда биз замон талаби ва халқимизнинг ҳошиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизимида улкан ислохотларни амалга оширишга киришдик. Айни пайтда биз таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечимини устида доимий иш олиб борамиз"¹.

Давлатимизнинг таълим соҳасига қаратаётган эътибори, айниқса умумтаълим мактабларидаги таълим-тарбия жараёнидаги муаммо ва камчиликларни бартараф қилишга доир чора-тадбирларига ҳар бир педагог

муносиб жавоб бериши ҳозирги давр талабидир.

Тадқиқот методлари.

Ушбу тадқиқотда педагогик таълим кластерини илмий ўрганишда анализ ва синтез методидан, педагогика соҳасига инновацияларни жорий қилиш нуқтаи назаридан комплекс ёндашув методидан, хорижий мамлакатларда таълим кластерларини ўрганиш бўйича қиёсий таҳлил методидан фойдаланилди.

Мавзунинг илмий янгилиги. Умумтаълим мактабларида гуруҳ мураббийи фаолияти таълим ва тарбия сифатини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Гуруҳ мураббийлари фаолиятига илмий асосда ёндашиш, ушбу фаолият турини муайян тизимга солиш ва давлат томонидан таълим муассасаларига қўйилаётган талаблар асосида тафтиш ва тадқиқ қилиш миллий педагогикамизда етарли даражада ўрганилмаган соҳалар сирасига киради. Гуруҳ мураббийи фаолиятига педагогик таълим инновацион кластери асосида ёндашиш ушбу муаммога нисбатан олий таълимнинг илмий салоҳиятини жалб қилишни назарда тутди. Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан ташкил қилинган "Мактаб-лаборатория"ларида тажриба-синов ишлари амалга оширилаётган "Инноватор мураббий" лойиҳасида умумтаълим мактабларида гуруҳ мураббийлари фаолиятига бугунги давр нуқтаи назаридан ёндашилган ва ушбу лойиҳа мавзунинг илмий янгилигини асослайди.

Мавзунинг дозарблиги.

Дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёни жамиятда барча соҳаларни, шу жумладан, таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда. XX аср иккинчи ярмида шиддатли тус олган бу жараён миллий маданиятимизга, таълим жараёнида ёшлар тарбиясига, айниқса, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида ўз салбий таъсирини ўтказмоқда.

Ёшлар бизнинг келажагимиз бунёдкоридир. Ўзбекистонда ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, орзу-истаклари, қобилиятларини рўёбга чиқаришда давлатимиз ҳар томонлама қулай имкониятларни яратмоқда. Аммо, афсуски, ёшларимиз ора-

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2018. 2-жилд. – Б. 446–447.

сида ўзининг аниқ мақсадига эга бўлмаган, ўзининг имкониятлари, қобилиятини тўлиқ англаб етмаган, интернет тизимларида мақсадсиз кун ўтказаётган ёшларимиз йўқ эмас. Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятсизлиги, умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнидаги айрим камчиликлар ушбу муаммоларни юзага келтирмоқда. Таълим соҳасида мавжуд муаммоларнинг ечимини топишнинг энг мақбул йўли, аввало, уни юзага келтираётган омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали янгича ендашув ва усулларни жорий қилишдан иборатдир. Бу борада умумтаълим мактабларида синф мураббийларининг роли катта. Уларнинг фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва керакли таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кун педагогикасининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мақоланинг мақсади.

Таълим-тарбия тизимига янги инновацион усул ва ёндашувларни татбиқ этиш орқали унинг самарадорлигини таъминлаш, сифатини яхшилаш, таълимни инсонпарварлаштиришни илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, унинг устувор йўналишларини аниқлаш, педагогик имкониятларни белгилаш, бу борадаги амалий тажрибаларни ёритиш орқали мавзу юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзу бўйича олимларнинг илмий ишлари таҳлили.

Мамлакатимизда кластер ёндашуви асосида синф мураббийи фаолияти самарадорлигини ошириш механизмлари тадқиқ қилинмаган. Мавзу юзасидан Россия олимларидан Л.М.Рамазанова¹, Т.Н.Песоцкая², Н.Н.Киселева³ инновацион таълим тизимининг бола тарбиясидаги аҳамияти, замонавий таълим тизимининг юқори синф ўқувчиларининг индиви-

¹ Рамазанова Л.М. Педагогические реализации воспитательной функции инновационных учебных занятий. – Москва, Издательство МГУ, 2013. С.29-35.

² Песоцкая Т.Н. Педагогические условия развития у старшеклассников субъектной активности в инновационной образовательной среде. – Москва: Логос, 2013. С.65-70.

³ Научно-практические основы оптимизации социально-педагогической деятельности куратора в условиях модернизации образования. – Москва: Логос, 2012. С.34-40.

дуал ривожланишдаги ўрни, синф мураббийининг тарбиявий дарслари орқали ўқувчиларнинг бағрикенглик туйғуларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Синф мураббийи фаолиятида юқори синф берувчи янгича инновацион кластер ёндашуви етарлича тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот мазмуни.

Умумтаълим мактабларида синф мураббийлари ўзига бириктирилган ўқувчилар билан ишлаш тартибида анъанавий ёндашув кўзланган натижани бермаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Жумладан ривожланган мамлакатларда 6-7-синф ўқувчиларининг (масалан Сингапурда) деярли толиқ касбга йўналган ва йўналтирилган бўлиши ўқувчиларнинг мақсадли таълим олиши йўли кўйилган⁴. Мамлакатимизда умумтаълим мактабларида ҳатто юқори синф ўқувчиларининг кўпчилиги касбга мақсадли йўналтирилмаган. Савол туғилади: бу масаланинг ечимини кимнинг зиммасида? Фан ўқитувчисими ёки ота-оналарнингми? Ўзбекистонда мавжуд бўлган касб индикаторлари ҳақида етарлича маълумот йўқлиги туфайли, аксарият ҳолларда ёшларимиз ўқитувчи, шифокор, ҳарбий ва касбларни танлайдилар. Синф мураббийининг тарбиявий дарслари, ота-она билан ишлаш тартиби, ўқувчилар билан муносабатининг инсонпарварлиги талаб даражасида эмас. Бу муаммолар ўз ечимини топиш лозим.

Чирчиқ давлат педагогика институтининг томонидан ташкил қилинган "Мақаб лаборатория" инновацион таҳриба мактаб дончаларида синф мураббийлари фаолиятининг педагогик муаммо сифатида ўрганилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги 21-умумтаълим мактабларида синф мураббийи фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган "Инновацион мураббий" лойиҳасининг таҳриба-синф ишлари йўлга қўйилди. Бу лойиҳада умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадли фаолият юритишни таъминлаш

⁴ Кошанова Н.М. Дунё таълими ривожланиш тенденциялари – Сингапур таълим тизими мисолида // Ўзбекистон ривожланишда узлуксиз таълим: Муоммо ва чечимлар халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар йиллик томи. 21-24-май. Чирчиқ. – Б. 278.

шу орқали ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги фаоллигини ошириш кўзда тутилди. Мураббий фаолиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳа умумтаълим мактабларида олий таълим билан мақсадли ҳамкорлик асосида касб индикаторлари бўйича етарли маълумотлар беришни, ўқувчиларнинг қобилияти ва истеъдодини рўйбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатишни, таълим ва тарбия сифатини оширишни назарда тутди.

Тажриба-синов иши қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқич: Мавжуд муаммони аниқлаш:

- синф мураббийининг иш фаолияти самарадорлиги даражаси ва ўқувчилар билан ишлаш тартибининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаб олиш мақсадида мураббий кўл остидаги ўқувчилар билан аноним сўровномалар ўтказилди;

- синф ўқувчиларининг асосий фанлар бўйича ўзлаштириш даражаси ва мураббий томонидан маънавият дарсларида сингдирилган ахлоқ-одоб масалаларидаги билимларини аниқлаш мақсадида тест синов ташкил қилинди;

- ота-оналарнинг фарзанди тарбиясидаги масъулияти ва гуруҳ мураббийи билан ҳамкорликдаги бола тарбиясидаги фаоллиги масаласи ўқувчилардан олинган аноним сўровнома ва гуруҳ мураббийи билан ўтказилган суҳбат орқали аниқланди;

- ўтказилган сўровнома ҳамда тест синов ва суҳбатлар асосида гуруҳ мураббийининг таълим ва тарбия жараёнидаги ютуқ ва камчиликлари аниқланиб, шунга асосланган ҳолда тажриба-синов ишларини амалга ошириш шакллари, усуллари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич: Ўрганилган кўрсаткичлар бўйича тажриба-синов ишининг режаси, дастури ва тажриба ишланмалари тайёрланди. Ишлаб чиқилган дастур бевосита таълим-тарбия жараёнида синов тариқасида тадбиқ қилинди.

Учинчи босқич: Бунда тадқиқотдан кўзланган мақсад ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган таълим ва тарбия технологияси бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди, олинган натижалар таҳлил қилинди

ва умумлаштирилди. Учинчи босқичда таълим ва тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниқлаш мезонларига кучлироқ эътибор қаратилди. Гуруҳ мураббийи ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг таълим ва тарбия жараёнида кўзланган натижаларга эришувида асосий субъектлардан бири ҳисобланди.

Тадқиқот натижалари.

"Инноватор мураббий" лойиҳа гуруҳи тажриба-синов амалиёти давомида нафақат синф мураббийи фаолияти билан боғлиқ муаммолар, балки фан ўқитувчиларининг дарс фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари (ўқувчилардан олинган сўровнома асосида) аниқланиб бартараф қилиш чоралари кўрилди. Электрон журнал тизими орқали асосий вақти иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ота-оналар фарзандининг ўзлаштириш даражаси бўйича маълумот билан ҳар куни танишиш имкониятига эга бўлишди. Натижада ўқувчининг таълим олиш жараёнида масъулиятининг ошиши кузатилди. Синфдаги аълочи ўқувчиларнинг махсус "Синф фахри" кўкрак белгиси (значок) тақиб юриши, ўқув чораги якунида фаол ўқувчиларнинг муносиб тақдирланиб бориши, уларнинг янада таълим олишга бўлган иштиёқини юксалтириб, синфда соғлом рақобатни юзага келтирди.

Таълим сифатини яхшилаш бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- мактаб гуруҳ мураббийининг бириктирилган синф ўқувчилари билан ишлаш ҳолати яхшиланди;

- синфнинг асосий фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 12 фоизга ошди;

- синф ўқувчиларининг дарс машғулотларига бўлган муносабатининг салбий ва ижобий жиҳатлари аниқланди ва шунга мос равишда чоралар ишлаб чиқилди;

- ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи ҳолати бўйича гуруҳ мураббийининг фан ўқитувчилари билан доимий боғланишига эришилди;

- синфни аълочи ўқувчилар бошчилигида 4-5 та интегрatív гуруҳни шакллантириш орқали паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 7 фоизга яхшиланди;

- шакллантирилган интегрatív гуруҳнинг натижалари рейтингини аниқлаб

бориш орқали гуруҳ етакчиларини муносиб рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Ўқувчиларини маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича қуйидаги натижалар қайд қилинди:

- ўқувчиларнинг миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз борасидаги тасавурлари кенгайди (*сўровномалар асосида аниқланди*);

- ўқувчиларни касбга мақсадли йўналтириш натижалари яхшиланди (*дастлабки сўровномада атиги 6 та касб кўрсатилган бўлса, кейинги сўровномада уларнинг сони 13 тага ошди*);

- ўқувчиларнинг маънавий-маърифий йўналишдаги фаоллигини эътироф қилган ҳолда ўқув чораги якунида "энг одобли ўқувчи", "энг ташаббускор ўқувчи", "энг намунали ўқувчи" каби номинациялар билан рағбатлантириш йўлга қўйилди;

- гуруҳ мураббийларининг тарбиявий дарслар (маънавият дарслари)ни махсус техник воситалар ёрдамида ўтилишига эришилди;

- ўқув йили якунида гуруҳлар орасида "Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот" мавзусида маънавий тадбирини ўтказиш (мураббий тарбиявий дарсларининг ҳисобот тадбири);

- ҳар бир синфда ахлоқ-одобга оид китоблар бурчаги ташкил қилинди;

- тарихий обидалар, музей ва кутубхоналар ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш воситасида уларнинг тасавурлари бойишига эришилди.

Ота-оналар билан мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- ота-оналар билан мураббийнинг доимий алоқада ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида ижтимоий тармоқда ота-оналар ва мураббий гуруҳи ташкил қилинди;

- ташкил қилинган гуруҳга ўқувчилар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар, фан олимпиадалари натижаларига доир маълумотларни жойлаштириш кўникмаси шакллантирилди;

- электрон тартибда ҳар куни ота-оналарга ўқувчиларнинг фанлар бўйича

ўзлаштириш кўрсаткичларини жойлаштириш йўлга қўйилди;

- ўқув чораги якунида фаол оналарни "Йилнинг энг фаол ота-онаси" номинацияси бўйича рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Хулоса.

Бугунги кунда мамлакатмизда мактаб тарбиясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Синф мураббийи фаолиятини умумтаълим мактабларида таълим ва тарбия самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Синф мураббийи фаолиятини тўғри йўлга қўйиш орқали умумтаълим мактаблари фаолиятида ижтимоий бий кўрсаткичларни қайд қилиш мумкин. Бу жараёнда педагогик таълим инновациялари кластери методидан фойдаланиш, «Мактаб лаборатория»лар фаолиятини йўлга қўйиш ва олий таълим илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тақлиф ва тавсиялар.

Олиб борилган тадқиқотнинг тажрибасини синов ишлари якунига кўра умумтаълим мактабларида синф мураббийларининг фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг таълим ва тарбия борасидаги кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида қуйидаги тақлиф ва тавсияларни беришимиз мумкин:

1. Синф мураббийи фаолияти режасини ишлаб чиқишда синфдаги муаммоларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш.

2. Синф мураббийининг иш режасини таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ота-оналар билан мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлимларни киритиш.

3. Ўқувчиларни рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш.

4. Синф ўқувчиларининг йўналишлар бўйича кўрсаткичларининг динамикасини мониторинг қилиш.

5. Ҳудуддаги педагогикага ихтисослашган олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2018. 2-жилд. - Б.446-447.
2. Анисцина Н.Н. Инновационный научно-образовательный кластер как способ организации инновационной деятельности в вузе // Креативная экономика. 2010. №6(6). - С.17.
3. Исмаилов А.А. Таълим тизимида "Таълим кластери" ни жорий этиш. // "Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар" халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том I. 21-24-май. Чирчиқ. – Б.246.
4. Муҳамедов Г.И., Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Чирчиқ: "Университет", 2019. – Б.25.
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон мафаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. - Т: "Маънавият", 2017. – Б.191.
6. Кошанова Н.М. Дунё таълими ривожланиш тенденциялари –Сингапур таълим тизими мисолида. // "Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар" халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том I. 21-24-май. Чирчиқ. – Б. 278.
7. Кластерная политика как метод активизации инновационных процессов в регионах Научно-инновационная политика Белоруссии: Н 34 Материалы республиканский научно-инновационная конференции (Гродно,19-20 октября 2005 г.). - Мн.: ГУ."БелИСА", 2005. - С.100.
8. Рамазонова Л.М. Педагогические реализации воспитательной функции инновационных учебных занятий. – Москва: Издательство МГУ, 2013. -С.29-35.
9. Песоцкая Т.Н. Педагогические условия развития у старшеклассников субъектной активности в инновационной образовательной среде. – Москва: Логос, 2013. - С.65-70
10. Научно-практические основы оптимизации социально- педагогической деятельности куратора в условиях модернизации образования. – Москва: Логос, 2012. - С.34-40